

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1136-ҳадис

1136 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحْمَ اللَّهُ أَمْرًا صَلَّى
قَبْلَ الْعَصْرِ أَرْبَعًا» رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالْتَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [د 1271، ت 420].

1136. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Асрдан олдин тўрт ракъат намоз ўқиган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Набий соллаллоху алайҳи васаллам гап оҳангларининг ўзи бу намозни таъкидланмаган, қўшимча намоз эканини кўрсатиб турибди. Ким рағбат қилиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг тавсиялари, асрдан олдинги тўрт ракат суннат, деб ният қилиб ўқиса, савоб олади, Аллоҳ таоло унга раҳм қиласи.

Манба: hadis.islom.uz



